



KIMYO INTERNATIONAL UNIVERSITY IN
CENTRAL ASIAN JOURNAL OF STEM

ISSN 2181-2934 <http://stem.kiut.uz/>



УДК 725.94:72.03:711.4

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21152341>

**КАРВОН-САРОЙЛАР ҚУРИЛИШИНING АНЪАНАВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ АРХИТЕКТУРАВИЙ-ШАҲАРСОЗЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ЧЕТ
ЭЛ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА)**

*Гулямова Наргиза Хикматовна,
Тошкент Кимё халқаро университети доценти
n.gulyamova@kiut.uz +998908160784*

Аннотация. Мақолада карвонсаройларнинг анъанавий меъморий ва шаҳарсозлик принциплари ҳамда уларни замонавий шаҳар муҳитига мослаштириш масалалари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотда карвонсаройларнинг тарихий шаҳарлардаги ўрни, уларнинг функционал ва фазовий тузилиши, шунингдек, савдо ва маданий алмашинувдаги аҳамияти ёритилган. Муаллиф томонидан тарихий ёдгорликларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий асослари кўриб чиқилган. Шунингдек, реконструкция жараёнида эски ва янги муҳит уйғунлигини таъминлаш масалалари таҳлил этилган. Карвонсаройларни замонавий функцияларга мослаштиришда юзага келадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари илмий жиҳатдан асослаб берилган. Муҳофаза зоналарини ташкил этиш ва шаҳар муҳити билан уйғунлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Тадқиқот натижалари карвонсаройларни замонавий шаҳар муҳитида сақлаш ва ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: карвонсарой, тарихий ёдгорлик, шаҳарсозлик, реконструкция, мослаштириш, муҳофаза зонаси, архитектура, тарихий муҳит

**ТРАДИЦИОННЫЕ ПРИНЦИПЫ СТРОИТЕЛЬСТВА КАРАВАН-САРАЕВ И
ИХ АРХИТЕКТУРНО-ГРАДОСТРОИТЕЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ (НА ОСНОВЕ
ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА)**

Аннотация. В статье рассматриваются традиционные архитектурные и градостроительные принципы караван-сарая, а также вопросы их адаптации к современной городской среде. Проанализированы роль караван-сарая в исторических городах, их функциональная и пространственная структура, а также значение в развитии торговли и культурных связей. Рассмотрены теоретические основы сохранения и эффективного использования исторических памятников. Особое внимание уделено проблеме гармонизации старой и новой среды в процессе реконструкции. Обоснованы основные проблемы адаптации караван-сарая к современным функциям и предложены пути их решения. Также рассмотрены вопросы организации охранных зон и интеграции памятников в городскую среду. Полученные результаты имеют важное значение для сохранения историко-архитектурного наследия.

Ключевые слова: караван-сарай, историческое наследие, градостроительство, реконструкция, адаптация, охранная зона, архитектура

TRADITIONAL PRINCIPLES OF CONSTRUCTION OF CARAVAN-SARAIS AND THEIR ARCHITECTURAL AND URBAN PLANNING FEATURES (BASED ON FOREIGN EXPERIENCE)

Abstract. The article examines the traditional architectural and urban planning principles of caravanserais and the issues of their adaptation to the modern urban environment. The role of caravanserais in historical cities, their spatial and functional organization, and their importance in trade and cultural exchange are analyzed. Theoretical foundations of preserving and effectively using historical monuments are discussed. Special attention is paid to maintaining a balance between historical and modern environments during reconstruction. The problems of adapting caravanserais to contemporary functions are identified and scientifically justified solutions are proposed. Issues related to protection zones and integration into the urban context are also considered. The research results are important for the preservation and sustainable development of architectural heritage.

Keywords: caravanserai, historical heritage, urban planning, reconstruction, adaptation, protection zone, architecture

Кириш

Жаҳон маданий мероси тарихида савдо йўллари иқтисодий тараққиёт, маданий алмашинув ва шаҳарлар ривожланишининг муҳим омили сифатида яққол кўринган. Европа ва Осиё ҳудудларида шаклланган Буюк ипак йўли минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги мол алмашинуви, илм-фан ва маданият алоқаларини таъминлаган асосий транспорт ва алоқа тизими ҳисобланади [8]. Ушбу савдо йўли нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-маданий уйғунлашув жараёнларига ҳам кучли таъсир кўрсатган [10].

Узоқ масофали савдо муносабатларининг ривожланиши транспорт ва таъминот тизими хизмат кўрсатиш тизимининг шаклланишини тақозо этган. Карвонлар таркибида ҳаракатланган савдогарлар, ҳунармандлар ва саёҳатчилар учун хавфсиз тўхташ жойлари, мол-мулкни сақлаш имконияти ва жониворлар учун шароит яратиш эҳтиёжи пайдо бўлган. Ана шу тарихий эҳтиёж натижасида карвон-саройлар ривожланган [3].

Карвон-саройлар ўз мазмунига кўра бир нечта вазифани бажарувчи тарихий-меъморий иншоот бўлиб, улар меҳмонхона, омборхона, савдо маркази, пул алмаштириш манзили ва одамлар мулоқот қилувчи ҳудуд вазифаларини бажарган [4]. Тадқиқотчилар карвон-саройларни ислом дунёсидаги жамоат иншоотларининг асосий типологик кўриниши сифатида баҳолайдилар [7]. Уларнинг тархий ечимида функционаллик, хавфсизлик ҳамда маҳаллий иқлим хусусиятларини инобатга олиш муҳим аҳамиятга эга бўлган [3].

Марказий Осиё, Кавказ ва Яқин Шарқ ҳудудларида карвон-саройлар шаҳарнинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасида асосий элементларидан бири саналган. Жумладан, Баку, Табриз ва Дербент шаҳарларида карвон-саройлар савдо ва молиявий муносабатларни ташкил этувчи асосий макон сифатида фаолият юритган [5]. Улар шаҳар дарвозалари яқинида ёки марказий бозор ҳудудида барпо этилиб, савдо ва иқтисодий муносабатларни бир ерга жамлаган [6].

Карвон-саройларнинг архитектуравий ечимлари — ёпиқ ҳудудли композиция, марказий ички ҳовли, ҳудуднинг функционал ташкил этилиши — ислом меъморчилигининг анъанавий тамойиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар шаҳар маконида хавфсизлик ва барқарорликни таъминловчи муҳитни шакллантирган. [3][4]. Бу тамойиллар кейинчалик жамоат бинолари, мадрасалар ва бозор мажмуалари лойиҳалашида кўп ҳам фойдаланилган [2].

Замонавий шаҳарсозлик назарияси жиҳатидан карвон-саройларни ўрганиш алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки ички ҳовли атрофида ташкил этилган композиция ва функционал элементларни жамлаш тамойиллари бугунги кундаги ички ҳовли (атриум)ли савдо марказлари ва ёпиқ меҳмонхона мажмуаларида ҳам кузатилади [6][12]. Шу боис, карвон-саройлар нафақат тарихий ёдгорлик сифатида, балки замонавий архитектура ва шаҳарсозлик амалиёти учун назарий жиҳатдан муҳим манба ҳисобланади.

Мазкур мақоланинг мақсади — карвон-саройларнинг тарихий шаклланиш кетма-кетлик босқичлари, архитектуравий-режавий тавсифлари ва шаҳарсозлик таркибидаги ўрнини илмий таҳлил қилиш, шунингдек, уларнинг анъанавий йўналишларини замонавий архитектурада қўллаш имкониятларини тадқиқ этишдан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ

1.КАРВОН-САРОЙЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ДАВРЛАРДА РИВОЖЛАНИШИ

Карвон-саройларнинг шаклланиши инсоният маданий тараққиётида савдо алоқаларининг ривожланиши билан бевосита боғлиқдир. Евроосиё минтақасида ривожланган Буюк Ипак Йўли орқали савдо алмашинуви жараёни нафақат иқтисодий, балки маданий уйғунлашувини ҳам таъминлаган [8]. Олис масофали савдо йўллари бўйлаб сафар қилган карвонлар хавфсиз дам олиш ва молларни сақлаш таъминот тизимини тақозо этган.

Илк йўл бўйи хизмат кўрсатиш иншоотлари милoddан аввалги V–IV асрларда Ахеменидлар давлати ҳудудида пайдо бўлган бўлиб, улар давлат хабар алмашинув тизими ва ҳарбий фаолиятни таъминлаш мақсадида ташкил этилган [1]. Бу иншоотлар кейинчалик карвон-саройлар учун намуна вазифасини ўтагани тадқиқотларда кўрсатиб ўтилади [9].

Ислom ижтимоий-маданий тизими кенгайиши билан VII–X асрларда савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш ва савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш давлат сиёсати сифатида шаклланди [3]. Айниқса, Салжукийлар даврида (XI–XIII асрлар) карвон-сарой қурилиши тизимлашган ва давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда амалга оширилган [4]. Бу даврда карвон-саройлар муҳим аҳамиятга эга бўлган жойлар — тоғ доволари, чўл ҳудудлари, дарё кесиб ўтиш жойлари ва шаҳар дарвозалари яқинида бунёд этилган.

Илмий манбааларга кўра карвон-саройлар одатда карвоннинг бир кунлик йўли масофасида, тахминан 25–30 км оралиғида бунёд этилган [9]. Бу ҳолат савдо таъминот тизимининг илмий асосланган ҳолда ташкил этилганини англатади.

XII–XIV асрларда Марказий Осиё, Эрон ва Кавказ ҳудудларида карвон-саройлар тизими кенгайиб, сони ортиб борди. Мўғуллар даврида савдо алоқалари қайта фаоллашиб, халқаро иқтисодий алмашинув кенгайди [1]. Бу жараён шаҳар таъминот тизимида йирик карвон-сарой иншоотларининг пайдо бўлишига олиб келди.

Жумладан, Табриз шаҳри XIII–XIV асрларда халқаро иқтисодий алмашинув марказига айланган бўлиб, ундаги карвон-саройлар иқтисодий ҳаётнинг асосий қисми ҳисобланган [5]. Кавказ ҳудудидаги Баку ва Дербент шаҳарларида ҳам карвон-саройлар шаҳар иқтисодий тизимнинг асосий ҳал қилувчи қисми сифатида шаклланган [5].

Салжукийлар даврида Анатолия ҳудудларида барпо этилган карвон-саройлар бақувват тош тузилмалар, ёпиқ ҳовли ва гумбазли ёпиқ бўлимларга эга бўлган[4]. Бу иншоотлар иқлим шароитига мос равишда лойиҳалаштирилгани ислom архитектурасига оид илмий ишларда алоҳида баён этилади [3].

Карвон-саройларнинг меъморий туркуми вақт ўтиши билан мукаммаллашиб борган. Дастлаб йўл ёқаси тўхташ нуқтаси сифатида шаклланган бинолар кейинчалик шаҳар ичидаги тижорат мажмуаларига айланган [6]. Шаҳар шароитида жойлашган карвон-саройлар бозор ва тимлар билан уйғунлашган ҳолда иқтисодий тармоқ маркази вазифасини бажарган [12].

XV–XVI асрларда денгиз орқали савдо алоқаларининг кенгайиши куруқлик орқали айрим савдо йўлларининг қийматини камайтирган бўлса-да, карвон-саройлар шаҳар ичидаги савдо фаолиятини таъминловчи тизим сифатида фаолият юритишда давом этган[2]. XVIII–XIX асрларга келиб темир йўл қатновининг такомиллашуви уларнинг транспорт хизматининг ролини қисқартирди, аммо айрим иншоотлар меъморий ёдгорлик сифатида сақланиб қолди.

Масалан, Оренбург карвон саройи XIX асрда шарқона услубда барпо этилган бўлиб, карвон-сарой меъморчилигининг охирги даврга оид намуна сифатида баҳоланади [3].

Шундай қилиб, карвон-саройларнинг тарихий шаклланиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Қадимги давр йўл тўхташ жойлари босқичи (Ахеменидлар даври)[1];
2. Ислон цивилизацияси даврида мукамал меъморий тип шаклланиши [3][4];
3. Салжуқий ва Муғуллар даврида ривожланган инфратузилма тармоғи босқичи [1][9];
4. Шаҳар марказий савдо ҳудудига айланиш босқичи [5][6];
5. Саноатлашув даврида функциясининг қайта шаклланиши [2].

Бу босқичлар карвон-саройларнинг оддий транзит нуктасидан кўп вазифали меъморий-шаҳарсозлик мажмуасига айланиб борганлигини кўрсатади.

2. АРХИТЕКТУРАВИЙ-РЕЖАЛАШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (КЕНГ ҚАМРОВЛИ ТАҲЛИЛ)

Карвон-саройлар меъморчилиги асрлар давомида шаклланган устивор композицион ва конструктив тамойилларга асосланади. Уларнинг тархий ечими савдо йўлларидаги хавфсизлик, иқлим шароити, вазифасига оид эҳтиёжлар ва ислон меъморчилиги анъаналари билан узвий боғлиқ ҳолда такомиллашган. Илмий адабиётларда қайд этилишича, карвон-саройлар архитектуравий тузилишида мудофаа хусусияти, марказга йўналтирилган тузилиш ва аниқ функционал ҳудудлаш асосий ўрин тутади [3], [6].

2.1. ЁПИҚ ВА ҲИМОЯВИЙ КОМПОЗИЦИЯ

Карвон-саройлар, аввало, муҳофаза иншооти сифатида лойиҳаланган. Савдо карвонлари қимматбаҳо мол-мулк билан ҳаракатлангани сабабли бино ташқи таҳдидларга қарши ишончли ҳимоя таъминлаши зарур бўлган. Шу боис карвон-саройлар одатда баланд, қалин ва мустаҳкам деворлар билан ўралган. Деворлар кўпинча пишиқ гишт ёки тошдан барпо этилган бўлиб, ташқи томондан содда, деярли безаксиз кўринишга эга бўлган. Бу ҳолат бинонинг ҳимоявий характериға мос келади [3].

Кириш қисмида ягона асосий дарвоза жойлашган бўлиб, у кўпинча пештоқ шаклида, баланд аркали портал кўринишида қурилган. Дарвоза қисмидан назорат ва қўриқлаш функцияси ҳам амалга оширилган. Айрим ҳолларда дарвоза устида ёки икки ён томонида кузатув миноралари барпо этилган. Бу композицион ечим карвон-саройни қалъа типидagi иншоот сифатида шакллантирган.

Хавфсизликка қаратилган тузилиш фақат ҳарбий эҳтиёж эмас, балки ички муҳитни ташқи шамол, чанг ва иссиқ иқлим таъсиридан муҳофаза қилиш вазифасини ҳам бажарган. Хусусан, чўл ва ярим чўл ҳудудларида жойлашган карвон-саройларда ташқи периметрнинг ёпиқлиги ички ҳовлида нисбатан барқарор микроклимат юзага келишиға хизмат қилади. [6].

2.2. МАРКАЗИЙ ИЧКИ ҲОВЛИ КОМПОЗИЦИЯСИ

Карвон-саройларнинг меъморий-режавий асосини марказий очиқ ҳовли ташкил этган. Барча функционал хоналар ва галереялар айнан шу ҳовли атрофида жойлаштирилган. Бу услуб ислон меъморчилигида кенг тарқалган ҳовлили композиция анъанаси билан узвий боғлиқ [4].

Марказий ҳовли бир неча вазифани бажарган:

- табиий ёритиш манбаи бўлган;
- ҳаво айланишини таъминлаган;
- карвон ҳайвонларини жойлаштириш учун хизмат қилган;
- савдо ва мулоқот майдони сифатида ишлатилган.

Ҳовли одатда тўртбурчак шаклда бўлиб, атрофи бўйлаб айвонли галереялар(ўтиш йўлаклари) билан ўралган. Галереялар хоналарга киришни таъминлаган ва айни вақтда ёзги иссиқдан соя ҳосил қилган. Айрим ҳолларда ҳовли марказида сув ҳавза ёки қудуқ жойлаштирилган бўлиб, бу сув таъминоти ва тозалик ва гигиена эҳтиёжлар учун хизмат қилган [6].

Композицион жиҳатдан марказий ҳовли ички маконни ташкил этувчи асосий элемент сифатида хизмат қилган. Барча функционал ҳудудлар унга бўйсундирилган ҳолда тизимли равишда жойлаштирилган. Бу эса иншоотда ички тартиб ва меъморий шакл ва ҳажм уйғунлигини таъминлаган.

2.3.ФУНКЦИОНАЛ ҲУДУДЛАШ ТИЗИМИ

Карвон-саройлар тарҳида аниқ функционал ҳудудлаш кузатилади. Бино одатда икки қаватли бўлган ва ҳар бир қават муайян вазифаларни бажарган.

Биринчи қаватда:

- карвон ҳайвонлари учун сақлаш жойлари;
- юklar ва савдо маҳсулотлари учун омборхоналар;
- устахоналар ва хизмат хоналари жойлашган.

Бу қават тузилиш жиҳатдан мустаҳкамроқ қилиб қурилган бўлиб, айрим ҳолларда гумбазли ёки аркали тузилмалар билан ёпилган. Бундай ечим юк кўтариш қобилиятини ошириш ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилган[7].

Иккинчи қаватда:

- йўловчилар учун хужралар;
- айвонли дам олиш жойлари;
- айрим ҳолларда масжид ёки ибодат учун ажратилган ҳудудлар жойлашган.

Хужралар одатда кичик, содда ва вазифавий эга бўлган. Улар галерея орқали ҳовлига қараб очилган. Бу ечим ички маконнинг ҳаво айланиши ва ёритилишини яхшилаган [4].

2.4.ҲУДУДИЙ ВА ТУРЛИ ТИПЛАРГА ОИД ХИЛМА-ХИЛЛИК.

Карвон-саройлар умумий тузилмавий тамойилларга асосланган бўлсада, турли ҳудудларда маҳаллий меъморий анъаналар таъсирида муайян фарқларга эга бўлган.

Эрон ҳудудида саккизбурчак ёки кўпбурчак шаклли карвон-саройлар қурилгани маълум. Бундай шакл тузилмавий динамикани кучайтириш ва мудофаа имкониятларини яхшилаш мақсадида қўлланилган [4].

Марказий Осиёда эса кўпроқ тўртбурчак тарх устувор бўлиб, симметрик ва марказлашган композиция сақланган. Бу ерда пишиқ ғишт меъморчилиги ривожлангани сабабли декоратив ғишт териш усуллари қўлланилган. Озарбайжон ва Кавказ ҳудудларида тош материалдан фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, иншоот фасадларида тош нақшлар учрайди [5].

Шу тариқа, карвон-саройлар меъморий-режавий жиҳатдан барқарор асосий принципларга таянган ҳолда, ҳар бир ҳудуднинг табиий, иқтисодий ва маданий хусусиятларига мослашган ҳолда ривожланган.

3. ШАҲАРСОЗЛИК ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Карвон-саройлар ўрта аср шаҳарларининг шаҳарсозлик тузилмасида муҳим вазифавий ва тузилмавий қисм сифатида шаклланган. Улар шаҳар инфратузилмасининг фақат ёрдамчи эмас, балки иқтисодий фаолликни ташкил этувчи асосий бўғини

ҳисобланган [6]. Карвон-саройларнинг шаҳар ичида жойлашуви тасодифий эмас, балки аниқ шаҳарсозлик қонуниятлари асосида амалга оширилган.

Илмий манбаларда қайд этилишича, карвон-саройлар кўпинча қуйидаги стратегик нуқталарда жойлаштирилган:

- шаҳар дарвозалари яқинида;
- марказий бозор (рабод, тим) ҳудудида;
- асосий савдо кўчалари ва магистрал йўллар кесишмасида [6].

Бундай жойлашув карвонларнинг шаҳарга кириши, товарларни тушириш ва савдо жараёнларини тез ва самарали ташкил этиш имконини берган. Айниқса, шаҳар дарвозалари яқинида жойлашган карвон-саройлар ташқи савдо билан боғлиқ логистик функцияларни бажарган бўлса, шаҳар марказидагилар ички бозор тизимида хизмат қилган.

Масалан, Баку шаҳрида XV асргача 28 та карвон-сарой фаолият юритгани манбаларда қайд этилган [5]. Ушбу карвон-саройлар шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида марказий ўрин тутиб, савдо-сотик, омборлаш ва молиявий келишувлар амалга ошириладиган жой сифатида хизмат қилган. Айрим карвон-саройлар биринчи қаватида дўконлар жойлашган бўлиб, улар мустақил кичик ва йирик савдо нуқталари вазифасини бажарган.

Шунингдек, Дербент шаҳри стратегик жойлашуви — Кавказ доволари ва Каспий бўйи савдо йўллари туташув нуқтасида жойлашгани сабабли, карвон-саройлар тизими яхши ривожланган шаҳарлардан бири ҳисобланган [5]. Бу ердаги карвон-саройлар нафақат савдо, балки ҳарбий-хавфсизлик назорат вазифасини ҳам тўғридан-тўғри бажарган.

Табриз шаҳри эса XIII–XIV асрларда халқаро савдонинг йирик марказига айланиб, карвон-саройлар шаҳарсозлик тузилмасининг ажралмас қисми бўлган. Улар бозорлар, тимлар ва хунармандчилик марказлари билан ўзаро боғланган ҳолда ягона иқтисодий маконни ташкил этган [5]. Бу ҳолат карвон-саройларнинг шаҳар ичида иқтисодий тармоқланган тузилма шаклида ишлаганини кўрсатади.

Шундай қилиб, карвон-саройлар шаҳарнинг функционал ҳудудлашида муҳим рол ўйнаган бўлиб, савдо, транспорт ва хизмат кўрсатиш тизимларини ягона тизимга бирлаштирган шаҳарсозлик элементи сифатида намоён бўлган.

4. ИЖТИМОЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Карвон-саройлар ўрта аср ижтимоий муҳитида фақат йўловчилар учун вақтинчалик турар жой вазифасини бажарган иншоот эмас, балки иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётни бирлаштирувчи кўп функцияли марказ ҳисобланган. Улар савдо муносабатлари ривож, ахборот алмашинуви ҳамда турли минтақалар ўртасидаги маданий мулоқотнинг амалий майдони сифатида хизмат қилган [2].

Илмий манбаларда карвон-саройларнинг қуйидаги асосий ижтимоий-иқтисодий функциялари қайд этилган:

- савдо келишувларини тузиш маркази;
- товар ва мол-мулкни сақлаш учун омборхона;
- пул алмаштириш ва молиявий операциялар пункти;
- давлат ва хусусий почта хизмати;
- тиббий ёрдам кўрсатиш жойи;
- хунармандчилик устахоналари жойлашган макон [2].

Карвон-саройларда савдогарлар ўртасида йирик ва майда савдо келишувлари амалга оширилган, махсулотлар сифати текширилган, сақланган ва қайта тақсимланган. Бу жараёнлар шаҳар бозорлари, тимлар ва савдо кўчалари билан узвий равишда боғлиқ ҳолда бўлган. Айрим карвон-саройлар иқтисодий жараёнлар қамрови шу қадар катта бўлганки, уларни ўрта асрлар шароитидаги “савдо марказлари” ёки “таъминот марказлари” сифатида баҳолаш мумкин [6].

Ижтимоий нуқтаи назаридан карвон-саройлар ахборот алмашинув маркази вазифасини ҳам бажарган. Турли минтақалардан келган савдогарлар орқали сиёсий вазият, иқтисодий ҳолат, янги технологиялар ва маданий янгиликлар шаҳарлар ўртасида тарқалган.

Шу сабабли карвон-саройлар ўрта аср жамиятида ўзига хос “маълумот алмашинув нуқтаси” сифатида муҳим ўрин тутган.

Манбаларга кўра, айрим карвон-саройларда хунармандлар доимий равишда фаолият юритгани айтиб ўтилган. Жумладан, темирчилар, эгарсозлар, чарм ишловчи усталар, тикувчилар ва юк қопларини таъмирловчи хунармандлар карвонларни қабул қилган ва хизмат қилган.[1]. Бу ҳолат карвон-саройларнинг фақат хизмат кўрсатиш эмас, балки ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам эга бўлганини кўрсатади.

Шунингдек, йирик карвон-саройларда табиблар ва шифокорлар хизмат кўрсатгани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Бу эса карвон-саройларнинг ижтимоий ҳимоя тизимида ҳам муҳим аҳамият касб этганини ифодалайди [2]. Айниқса, узоқ сафарда касалланган ёки жароҳат олган йўловчилар учун бундай хизматлар жуда муҳим бўлган.

Шундай қилиб, карвон-саройлар ўрта аср жамиятида:

- иқтисодий муносабатлар маркази;
- ижтимоий ва маданий мулоқот макони;
- хизмат кўрсатиш ва хунармандчилик маркази

сифатида фаолият юритган кўп йўналишли шаҳар таъминоти ва хизмат кўрсатиш тизими ҳисобланган.

5.ЧЕТ ЭЛ НАМУНАЛАР ТАҲЛИЛИ

Оренбург карвон саройи

XIX асрда барпо этилган ушбу иншоот шарқ архитектураси анъаналарининг Россия шаҳар муҳитига мослаштирилган ноёб намуналаридан бири деб ҳисобланади. Карвон-сарой меъморчилигида ўқ бўйлаб мувозанатли тарх, марказ атрофида шаклланган композиция ва гумбазли ҳажмлар қўлланилган бўлиб, бу унга маҳобатли ташқи кўринишни намоён этган [3].

Оренбург карвон-саройи нафақат савдо ва хизмат кўрсатиш иншооти, балки маданий жихатдан рамзий аҳамиятга эга меъморий ёдгорлик сифатида ҳам қадрланади. У Россияда шарқона шаҳарсозлик ғояларининг амалий кўриниши сифатида баҳоланади.

Кавказ ва Озарбайжон карвон-саройлари

Кавказ ҳудудида, айниқса Баку шаҳрида жойлашган карвон-саройлар шаҳар иқтисодий ҳаётининг бош таркибий қисми сифатида шаклланган. Манбаларга кўра, Бакудаги карвон-саройлар кўпинча икки қаватли тарх кўринишларига эга бўлиб, биринчи қаватда дўконлар ва омборлар, юқори қаватларда эса йўловчилар учун ётоқхоналар жойлашган [5].

Бу карвон-саройлар шаҳар бозорлари билан ўзаро боғланган ҳолда фаолият юритиб, йирик ва майда савдонинг маркази вазифасини бажарган. Улар шаҳар иқтисодий ҳудудини ташкил этувчи муҳим таркибий қисм бўлган.

6.ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРАГА ТАЪСИРИ

Карвон-саройларнинг меъморий-композицион ечимлари замонавий архитектурада ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Хусусан, марказий ички ҳовли атрофида жойлашган функционал ҳудудларга ажратиш тамойили замонавий ички ҳовли савдо марказлари, меҳмонхона мажмуалари ва кўп функцияли жамоат бинолари учун намунали ечим сифатида қўлланилган[6].

Ёпиқ ҳудудли композиция, ички маконда хавфсизлик ва барқарор маҳаллий иқлим шароитини яратиш ғояси бугунги кунда ҳам архитектура амалиётида қўлланилмоқда. Замонавий шаҳарсозликда карвон-сарой тамойиллари транспорт ва тақсимот марказлари, туристлар мажмуаси ва жамоат маконларини лойиҳалашда назарий асос сифатида хизмат қилмоқда[12].

Шу боис, карвон-саройлар тарихи ва меъморий ечимларини ўрганиш нафақат тарихий меросни англаш, балки замонавий меъморлик ва шаҳарсозликни ривожлантириш учун ҳам илмий-амалий аҳамиятга эгадир.

НАТИЖАЛАР – RESULTS

Тадқиқот натижалари қуйидагиларни кўрсатди:

Карвонсаройлар, одатда, шаҳарнинг асосий савдо ва транспорт йўллари кесишган нукталарда жойлашган бўлиб, шаҳар иқтисодий тизимининг муҳим қисми ҳисобланади [4;7]. Улар шаҳар муҳитининг функционал ва композицион ядросини шакллантирган.

Меъморий жиҳатдан карвонсаройлар ёпиқ ҳовлили тузилишга эга бўлиб, ички ҳовли атрофида хоналар жойлашган. Бу тузилиш уларнинг универсал ва кўп функцияли бўлишини таъминлаган [5].

Замонавий шароитда карвонсаройларни мослаштиришда қуйидаги муаммолар кузатилди:

- функционал зоналаштириш чекланганлиги;
- муҳандислик коммуникацияларини жойлаштириш қийинлиги;
- санитар ва хавфсизлик талабларига мослаш муаммолари [3;7];

Шу билан бирга, уларни маданий, туристик ва жамоат функцияларига мослаштириш энг самарали йўналиш эканлиги аниқланди [6].

Муҳофаза зоналарини тўғри ташкил этиш карвонсаройларни сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, транспорт ҳаракатини чеклаш ва пиёдалар ҳудудларини кенгайтириш зарурлиги белгиланди [9;10].

Тадқиқот асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

Карвонсаройлар шаҳарсозлик меросининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларни сақлаш ва қайта жонлантириш комплекс ёндашувни талаб этади.

Уларнинг узок муддатли сақланишида функционал фойдаланиш асосий омил ҳисобланади. Карвонсаройларга маданий, туристик ва жамоат функцияларини юклаш уларнинг тарихий моҳиятига зид келмайди, балки шаҳар муҳитининг ривожланишига хизмат қилади [2;6].

Мослаштириш жараёнида эски ва янги муҳит ўртасидаги мувозанатни сақлаш, минимал аралашув принципига амал қилиш муҳим ҳисобланади.

Муҳофаза зоналарини илмий асосда белгилаш, транспорт ҳаракатини чеклаш ва ободонлаштириш ишларини комплекс тарзда амалга ошириш тавсия этилади.

Шунингдек, карвонсаройларни сақлаш ва ривожлантириш бўйича комплекс шаҳарсозлик стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, карвон-саройлар ўрта аср Шарқ шаҳарсозлиги ва меъморчилигида кўп вазифали таъминотли элементи сифатида шаклланган ва узок вақт давомида муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этган. Улар савдо йўллари тизимининг ажралмас қисми бўлиб, маҳсулотлар айирбошлаш, юк ташиш ва тақсимлаш, хизмат кўрсатиш ва маданий мулоқот жараёнларини таъминлаган.

Тадқиқот давомида карвон-саройларнинг тарихий шаклланиши - савдо муносабатлари ривож, давлат сиёсати ва шаҳарлар тараққиёти билан узвий боғлиқ экани аниқланди. Қадимги йўл тўхташ жойларидан бошлаб, ислом тараққиёти даврида мукаммал меъморий мажмуага айланган карвон-саройлар Салжукий ва кейинги даврларда таъминот тармоқлари сифатида ривожланган. Улар шаҳар ичида ҳам, шаҳар ташқарисида ҳам савдо-иқтисодий ҳаётни ташкил этувчи асосий таркибий қисм вазифасини бажарган.

Меъморий-режавий таҳлил натижалари карвон-саройлар меъморлигида барқарор ва универсал тамойиллар шаклланишини кўрсатди. Ёпиқ ва ҳимоявий композиция, марказий ички ҳовлига асосланган тарх, қаватлар бўйича аниқ функционал ҳудудлаш ҳамда маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиш - бу иншоотларнинг асосий меъморий хусусиятлари ҳисобланади. Ушбу ечимлар хавфсизлик, иқлим шароитига мослашув ва вазифали самарадорликни таъминлашга қаратилган.

Шаҳарсозлик нуқтаи назаридан карвон-саройлар шаҳар иқтисодий тузилмасининг марказий элементи сифатида шаклланган. Улар шаҳар дарвозалари, марказий бозорлар ва асосий савдо кўчалари билан узвий боғланган ҳолда жойлаштирилиб, шаҳарнинг вазифаларга хос ҳудудлашда муҳим ўрин тутган. Баку, Дербент ва Табриз каби йирик савдо марказлари мисолида карвон-саройлар шаҳар иқтисодий ҳаётини марказлаштирувчи омил сифатида намоён бўлгани аниқланди.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан карвон-саройлар фақат меҳмонхона эмас, балки савдо келишувлари, пул алмаштириш, хабар етказиш хизмати, тиббий ёрдам ва хунармандчилик фаолиятини бирлаштирган кўп қиррали марказ сифатида фаолият юритган. Улар орқали ахборот, маданий қадриятлар ва янги ғоялар тарқалган бўлиб, бу карвон-саройларни ўрта аср жамиятида муҳим “ахборот алмашинув ва мулоқот маркази” га айлантирган.

Айрим тарихий намуналар таҳлили, жумладан Оренбург карвон-саройи ва Кавказ–Озарбайжон ҳудудидаги карвон-саройлар мисоли, ушбу иншоотларнинг турли маданий муҳитларда мослашувчан ва кўп мақсадли меъморий тур эканини кўрсатди. Бу ҳолат карвон-сарой меъморчилигининг кенг ҳудудларга тарқалишини ва маҳаллий анъаналар билан уйғунлашиш қобилиятини тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, карвон-саройлар тарихи ва меъморий ечимларини ўрганиш нафақат маданий меросни илмий жиҳатдан англаш, балки замонавий архитектура ва шаҳарсозлик амалиёти учун ҳам муҳим назарий асос яратади. Ички ҳовлили композиция, вазифаларига хос ҳудудлаш ва кўп функцияли жамоат макони тамойиллари бугунги кундаги савдо марказлари, меҳмонхона мажмуалари ва транспорт ва таъминот маркази тармоқларини лойиҳалашда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Шу маънода, карвон-саройлар меъморий мерос сифатидагина эмас, балки замонавий шаҳар муҳитини барқарор ривожлантириш учун илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган архитектуравий тажриба сифатида баҳоланиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – М.: Наука, 1963.
2. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – Т.: Фан, 1982.
3. Hillenbrand R. Islamic Architecture. – Edinburgh University Press, 1994.
4. Michell G. Architecture of the Islamic World. – London, 1978.
5. Бретаницкий Л.С. Зодчество Азербайджана XII–XV вв. – Баку, 1966.
6. Bianca S. Urban Form in the Arab World. – Thames & Hudson, 2000.
7. Petersen A. Dictionary of Islamic Architecture. – Routledge, 1996.
8. UNESCO World Heritage Centre. *Silk Roads Programme / Silk Roads Studies*. – Paris:
9. Heinz Gaube. *Persian Caravanserais*. – Tehran: Iranian Cultural Heritage Organization, 1979.
10. Finbarr Barry Flood. *Objects of Translation: Material Culture and Medieval “Hindu-Muslim” Encounter*. – Princeton: Princeton University Press, 2009.
11. Bernard O’Kane. *The Mosques of Egypt*. – Cairo: The American University in Cairo Press, 2016.
12. Gülru Necipoğlu. *Islamic Architecture and Urbanism*. – Aldershot: Ashgate Publishing, 2005.